

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

Хизматидаги ўзбекистон таълим вазирлигинин талаби
такомиллик бўйиче оидатнинг филиаллари таълимнига таъсир этиш
декретидан сарф ишларни таъсир этишадан бўлган таълимнига
Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан
2021 йил 16 маюни даги ўзбекистон бўлгари билан тасвиридан,

Декрет этидан

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**61020100-Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бакалавриат таълим
йўналишининг малака талаблари**

Мажбури Малака талаблари "Олий таълим таъсир этишадан
бўйиче таъсир этишадан таълимнига таъсир этишадан
хавфсизлиги" Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълимнига
такомиллик бўйиче чињигизнига рафтадан сарф ишларни таъсир этишадан
Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълимнига таъсир этишадан
хавфсизлиги таъсир этишадан таълимнига таъсир этишадан

Тошкент

ЎЗР ОЎМТВ
Буйруқ № 365 1
“26.08.2021 йил”

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «26» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢӢ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

1.2.3. 61020100-Ҳолт фарзанди муроди таълим тарбия бўйича бакалаврлар касбий фаолиятини тушади.

1.2.4. 61020106-Ҳолт фарзанди муроди таълим тарбия бўйича бакалаврларини касбий таҳсилотларни тушади.

2. 61020106-Ҳолт фарзанди муроди таълим тарбия бўйича бакалаврларини касбий таҳсилотларни тушади.

2.1. Узумий таҳсилотлар.

2.2. Касбий таҳсилотлар.

Библиография маддасатлар

Келинч оидат

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи.....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги</i> таълим йўналиши Малака талабининг кўлланиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1.	<i>61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари.....	4
1.2.3.	<i>61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги.....	9

1. 61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи кундузги, кески ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Бакалавриат дастурининг таълим шаклларига кўра ўқишини меъёрий муддатлари кундузги таълимда 4 йил, кечки таълимда 4,5 йил, сиртқи таълимда 5 йил ва масофавий таълимда 5 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмууни ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишига кираётган аббитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари:

61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бакалавриат таълим йўналиши – фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, инсон меҳнати ва фаолияти учун қулай техносферани (инсон томонидан шакллантирилган муҳит) шакллантириш, техника хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим жиҳатларини, замонавий техник воситалардан, назорат усулларидан ва прогнозлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига инсон ҳаёти ва соғлигини асрар, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси юзасидан ўқитиш ва билимларни синаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг объектлари:

– давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган хавфлар олдиндан аниқлаш ва уларни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган хавфларида ходимларининг ҳаётига салбий таъсирини камайтириш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил қилиш;
- хавфли ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилинишини таъминлаш;
- меҳнат муҳофазаси соҳасила давлат сиёсати амалга ошириш ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;
- техноген рискларни баҳолаш усуллари ва воситаларидан амалиётда фойдаланиш;
- техника хавфсизлигини таъминлаш воситалари ва усулларидан ўз ўрнида фойдаланиш;
- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техникавий таъминлаш воситалари; касб-хунар коллекциядаги ўкув-тарбия жаёёни.

61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиши бўйича педагогик фаолияти билан шуғуланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- муҳандислик - қидирув ва лойиҳа-конструкторлик фаолияти;
- ишлаб чиқариш – технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий – тадқиқот фаолияти;
- фойдаланиш-сервис фаолияти.

1.2.4. 61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

61020100- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Муҳандислик-қидирув ва лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- хавфсизликни таъминлаш қурилмаларини қисмлари ва деталлари ва йигма бирликларининг лойиҳасини тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш қобилиятлари;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- хавфсизликни таъминлаш қурилмаларини ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўtkазish қобiliyati;
- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобiliyatlariни ўзлаштириш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- фаолият хавфсизлиги жабҳасидаги обьектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситалардан самарали фойдаланиш;
- тизимлар, технологик жараёнлар, уларнинг элементлари ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиша ижрочилар жамоаси таркибида иштирок этиш;

- объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларнинг эксплуатация хавфсизлигини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

- техникавий-иқтисодий таҳлил қилиш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;

- касбий этика коидаларига риоя қилиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қурилиш ишлаб чиқариши технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда сифатни бошқариш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;

- бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш кўнимкамлари.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- замонавий методлар ва воситалардан фойдаланиб фаолият объектлари ҳолатини таҳлил қилишда иштирок этиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, синаш ва улардан самарали фойдаланишда иштирок этиш;

- самарасиз вакт, меҳнат ва моддий ресурсларни камайтириш, рационал технологик жараёнларни танлаш бўйича тадқиқотларни ўтказишда қатнашиш;

- ҳаётий фаолияти хавфсизлиги таълим соҳасидаги маҳсус адабиётлар, илмий-техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамида эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- таҳлил, хисоботлар ва илмий публикацияларни тузиш учун маълумотларни тайёрлаш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш.

Фойдаланиш-сервис фаолиятида:

- ҳаётий фаолият хавфсизлиги таълим соҳасига тегишли объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларни синаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш;

- ҳаётий фаолият хавфсизлиги таълим соҳасига тегишли объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш.

2. 61020100-Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар мөхиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассавурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ҳавфсизлик қурилмаларини қисмлари ва деталлари ва йифма бирликларининг лойиҳасини тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равища ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилишни билиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- фаолият ҳавфсизлигини таъминлаш қурилмаларини ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш кўникмаларига эга бўлиш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равища кўллаш қобилиятларини ўзлаштиришни билиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш тизими жараёнларини бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- фаолият ҳавфсизлиги тизимида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишни билиш;

- меҳнат жараёнини ташкил қилиш шакллари ва усуллари, тўғрисидаги билим ва кўникмаларига эга бўлиши;

- бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини олидини олиш тўғрисидаги билим ва кўникмаларига эга бўлиши;

- фаолият ҳавфсизлиги тизимлари ва жиҳозларини созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиш;

- саноат корхоналарида меҳнат жараёнларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни билиши;

- саноат корхоналарида ёнгин ҳавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари борасида илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларини шакллантирилиши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ислом Каримов номидаги

Тошкент давлат техника университети



М.Ү.

Ректор С.М. Турабджанов проф. С.М. Турабджанов

2021 йил « 23 » 08

Саноат хавфсизлиги Давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи



М.Ү.

ўринбосари О.А. Джураев О.А. Джураев

2021 йил « 23 » 08

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ҳузуридаги Олий
таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш
маркази

Директор в.б. М. Эсанов М. Эсанов

2021 йил « 24 » 08

М.Ү.



Тошкент кимё технология
институти

Ректори Б. Усмонов Б. Усмонов

2021 йил « 24 » 08

М.Ү.



Тошкент далат транспорт
университети


Ректор О. Абдурахманов О. Абдурахманов

2021 йил « 24 » 08



М.Ү.

Ўзбекистон Республикаси
Фуқаро муҳофазаси институти
бошлигининг биринчи
ўринбосари З. Тураев З. Тураев



2021 йил « 24 » 08

М.Ү.